

## ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ТЎПНИ ОШИРИБ БЕРИШ ХАРАКАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

**И. Х. Қутлимуратов**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчи

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш масаласи кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** спорт, футбол, таълим, ўйин, педагогика.

## STUDY OF FOOTBALL PLAYERS' MOVEMENTS IN DIFFERENT DIRECTIONS

**I. Kh. Kutlimuratov**

Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

### ABSTRACT

This article discusses the study of the players' attempts to pass the ball in different directions.

**Keywords:** sports, football, education, games, pedagogy.

### КИРИШ

Кўпгина тадқиқот олиб бораётган мутахассислар (1.2.3.4) ўйин давомида тезкор ҳужум, жамоанинг энг самарали усули ҳисоблайдилар. Бунда битта-учта узатишда ўйинчилардан бирини дарвозани забт этиш йўлига чиқариш орқали ҳужумни гол билан яқунлаш мумкинлигини билдиришган. Кўпгина мураббийлар (5.6.7) ўйин давомида амалга ошириладиган тезкор ҳужумларни амалга ошириб ғалабага эришаётган жамоаларнинг ўйин усуллари ўз жамоаларига жорий этишни мақсад қилишмоқда. Бу эса ҳозирги кунда юқори савиядаги дунёнинг етакчи терма жамоалари “Испания”, “Бразилия”, “Германия”, “Португалия”, “Голландия” ва Осиё минтақасида охириги жаҳон чемпионатида саралаш босқичларида иштирок этган “Эрон” “Япония”, “Корея” жамоалари тез ҳужум уюштириш орқали рақиб ҳимоясини ёриб ўтишмоқда. Улар турли тўп узатишларни тез амалга ошириб, ҳужумларни гол ҳолатида олиб келишлари ўйинларни таҳлил қилишда кузатилди. Бизнинг чемпионатимизда иштирок этаётган жамоаларнинг ҳалқаро (ОЧЛ) учрашувларидаги ва Ўзбекистон терма жамоаси иштирокидаги учрашувларида

биз кўпроқ тадрижий ҳужумларни амалга оширишда тўпларни бир-бирларига орқага ёнга ошириб, кўпроқ ўзлари ҳужумларни тўхтатиб қолиш ҳаракатларини кузатамиз. Бу эса жамоаларимизнинг ғалабаларни ўйин давомида қўлдан бой бериш оқибатларига олиб келмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Буларни эътиборга олиб ҳужумларни ташкил қилишда бизнинг ёш футболчиларимиз томонидан турли масофаларга тўпларни ошириб беришларининг сон ва сифат даражаси пастлигини таъсири бор деб ўйлаймиз. Шунинг учун ёш футболчиларнинг ҳужум ташкил қилишда тўпларни аниқ ошириб беришдаги ютуқ ва муаммоси кўпгина мутахассис ва мураббийларнинг диққат эътиборидаги долзарб масалалардан биридир.

Мусобақа шароитида ёш футболчиларнинг турли йўналишларга тўпларни ошириб беришдаги аниқликларини ўрганиш ишимизнинг мақсади қилиб олдик.

Кузатиш ишлари №19 Болалар ўсмирлар спорт мактабида таҳсил олаётган 16-17 ёшдаги футболчилар тажриба гуруҳи сифатида ўйин давомидаги кузатишлар таҳлил қилиниб, уларнинг турли йўналишларда тўпларни ошириб беришдаги камчиликлари аниқланди. Назорат гуруҳи сифатида биз №18 Болалар ўсмирлар спорт мактабида таҳсил олаётган шуғулланувчилар танлаб олинди. Кузатиш ишлари ёшлар ўртасида ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатида (2012й) иштирок этган жамоаларнинг ўйинлари давомида олиб борилди.

Олинган маълумотлардан тажриба гуруҳининг натижаларида камчиликлар борлигини, бу эса уларни ўйин давомида тўпларни ошириб беришларидан маълум бўлди. Бизнинг тадқиқотдан бошида, ҳамда сўнгидаги натижаларни 1-чизмада келтирилган. Бу ерда назорат ва тажриба гуруҳимизнинг ўйин давомида кўп маротаба амалга оширилган турли масофаларга тўпларни етказиб бериш ҳаракатларига тўхталдик. Кузатиш ишлари 14 та ўйин давомида юқорида келтириб ўтган техник ҳаракатлар, яъни тўпларни турли масофаларга ошириб бериш ҳаракатларни қайд этиб бордик.

Олинган натижалардан, тўпларни турли масофаларга етказиб беришда назорат ва тажриба гуруҳининг тарбияланувчилари ўртасида катта фарқ борлиги кўзга ташланди.

Дастлабки олинган натижаларда назорат гуруҳининг футболчилари жами ўйин давомида ўртача 283 та турли масофаларга тўпларни ошириб бериш ҳаракатларини кўрсак, самарадорлик кўрсаткичи (СК) 61% (+172) ташкил этди. Тажриба гуруҳи тарбияланувчиларининг ўйин давомидаги натижалари жами ўртача 255 та тўпни ошириб беришган бўлса, СК-42% (+123) ташкил

этганлигини аниқладик. Бу жамоаларнинг самарадорлик кўрсаткичини тушиб кетишига уларнинг ўйин давомида узоқ масофаларга ошириб бериладиган тўп узатишларнинг ноаниқ ҳаракатларидадир. Назорат гуруҳининг тарбияланувчилари узоқ масофага 68 та тўп ошириб берган бўлса, СК-31% (+21), тажриба гуруҳи тарбияланувчилари 71 та тўп ошириб берган бўлса, СК-35% (+25) ташкил этган. Ўрта масофага тўпларни ошириб беришда назорат гуруҳининг тарбияланувчилари 90 та тўп узатишни, СК-65% (+59) ва қисқа масофага ошириб беришда 125 та тўп узатишни, СК-85% (+35) ташкил этса, тажриба гуруҳининг ўрта масофага ошириб беришлар жами 80 та тўп узатишлардан, СК-45% (+36) ва қисқа масофага ошириб беришда эса 104 та тўп узатишлардан, СК-65% (+71) ташкил этмоқда.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, қисқа масофага тўпларни ошириб беришларни сони, қайд этшда ўрта ва узоқ масофаларга ошириб бериш ҳаракатларининг сонидан юқорилигини кўрмоқдамиз. Узоқ масофага ошириб бериладиган тўпларнинг сони ва самарадорлик кўрсаткичи пастлиги тадқиқот сифатида олинган назорат ва тажриба гуруҳининг тарбияланувчиларида кузатдик. Бундан ташқари эътироф этишимиз керакки, бу ёшдаги футболчиларнинг тўпларни узоқ масофага етказиб бериш ҳаракатлари бошқа ёшдаги футболчиларнинг ҳаракатларидан юқорилигини кўрамиз. Бундан ёш футболчилар асосан тўпларни узоқ масофаларга ошириб бериш ҳаракатлари билан ўйин олиб боришларини аниқладик.

Биз БЎСМда таҳсил олаётган тажриба ва назорат гуруҳидаги ёш футболчиларга 60 соат давомида ўқув машғулот жараёнида ўз тадқиқотларимизни олиб бордик. Тажриба гуруҳининг ўқув-машғулот жараёнига ўзимизнинг усул ва воситалар танлаган ҳолда машғулотларга жорий этган бўлсак, иккинчи гуруҳда эса машғулотларини олиб боришдаги оддий ҳолатлардаги машқларни бажариш бўйича тавсиялар асосида олиб боришди.

Ишимизда назорат гуруҳи сифатида таҳсил олаётган шуғулланувчиларга тўпларни турган ҳолда бажариладиган тўп узатишларни турли масофаларга ошириб беришга оид машқларни, ўқув-машғулот жараёнига жорий этилди. Бу ўқув-машғулотларда берилган машқларнинг вазифаларни бажаришда эркин ҳаракатланишлари керак бўлади.

Тажриба гуруҳи эса тўпларни ҳаракатда ошириб беришга оид машқлар, ўқув-машғулот жараёнига жорий этилган, бўлсада уларни назорат гуруҳига қараганда юқори тезликда бажаришларни талаб қилдик. Ёш футболчиларга

берилган машқларда ўйин вазиятларга мос бўлиб, уларни тарбияланувчилар тез ҳал қилишлари ва юқори тезликда машқларни бажаришлари керак бўлди. Бу ўқув-машғулотларда берилган машқларнинг вазифаларни бажаришда маълум вақт ажратилиши, тўпни ошириб бериш техник ҳаракатларни ривожлантиришда энг катта омиллардан бири бўлди. Айниқса, машқларни яқунлашларига қисқа сонияда бериш, ёш футболчилар томонидан тез ҳаракатланиб тўпларни бир-бирларига ошириб беришга ундайди.

Бу ерда иккала гуруҳда ҳам ёш футболчиларда қўлланилган такрорлаш усули, тўпни ошириб бериш техник усулларни ривожлантиришда энг яхши усул ҳисобланади. Бундан ташқари, улар ўйин вазиятларига ўхшаш бўладиган алоҳида техника усулларини тез ҳаракатланиш, турли хил комбинациялар билан, рақиб иштирокида бажартирилди.

Тўпни ошириб беришга қаратилган машқлар орқали, биз ёш футболчиларнинг билимини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик. Тўпни ошириб бериш техникасини режалаштиришда, мунтазам машғулотлар ўтказилганлиги сабабли яхши самара берди. Биз берган усул ва воситалар шундай ўтказиш зарур бўлдики, бунда ўргатилган маълумотларни тезлик билан ўйинда қўлланилиши лозим бўлди.

Биз томонимиздан 60 соат давомида машғулотлардан сўнг тажриба ва назорат гуруҳида таҳсил олаётган ёш футболчиларни ўйин давомида тўпни ошириб бериш ҳаракатларини бажаришлари яна қайд этилди. Олинган натижалар 1-чизмада келтирилган бўлиб, турли масофаларга тўпларни етказиб беришда назорат гуруҳининг тарбияланувчиларида ўзгаришлар кўзатмасакда, тажриба гуруҳининг тарбияланувчиларнинг тадқиқотдан олинган натижаларида катта фарқ борлиги кўзга ташланди.

Назорат гуруҳ сифатида танлаб олинган 16-17 ёшли футболчилар жами ўйин давомида ўртача 275 маротаба турли масофаларга тўпларни ошириб бериш ҳаракатларни кузатсак, СК-59% (+162) ташкил этса, тажриба гуруҳи тарбияланувчиларининг дастлабки олинган натижаларга қараганда ўйин давомида тўпни ошириб беришда ошганлигини, яъни жами ўртача 274 маротаба тўп узатишни, СК-65% (+179) ташкил этганлигини аниқладик. Бу ерда тажриба гуруҳининг натижалари дастлабки олинган натижалардан 17% га ўсганлигини қайд этдик.

Бу жамоаларнинг самарадорлигини тушиб кетишига уларнинг ўйин давомида узоқ масофаларга ошириб бериладиган тўп узатишларнинг ноаниқлигида эди. Назорат гуруҳи тарбияланувчиларнинг юқорида келтирганимиздек дастлабки олинган натижаларидан кейинги олинган маълумотлари ўртасида фарқ катта эмаслиги кўзга ташланди. Тадқиқотдан

сўнгида жами 71 маротаба, узоқ масофага тўпларни етказиб берган бўлсалар, СК-35% (+25) ташкил эди. Тажриба гуруҳи тарбияланувчилари эса тадқиқотдан сўнг 54 та тўп ошириб берган бўлсалар, СК-40% (+22) ташкил этган. Ўрта масофага тўпларни ошириб беришда назорат гуруҳининг тарбияланувчилари 82 та тўпни ошириб беришса, СК-50% ни (+48) ва қисқа масофага ошириб беришда 122 та тўпни ошириб беришса, СК-85% (+104) назорат гуруҳининг натижаларини ташкил этган. Тажриба гуруҳидаги тарбияланувчиларнинг ўрта масофага ошириб беришлар ва қисқа масофага ошириб беришдан натижалари ижобий томонга ўзгарганлигини аниқладик.

## ХУЛОСА

Олинган натижалардан турли масофаларга тўпни етказиб беришда уларни сони ва самарадорлик кўрсаткичлари орасида катта фарқ борлигини, айниқса қисқа масофага ошириб беришларни сони ва самарадорлик кўрсаткичлари самарадорлиги юқорилигини кўрмоқдамиз. Узоқ масофага ошириб бериладиган тўпларнинг сон ва самарадорлик кўрсаткичларини пастлиги назорат ва тажриба гуруҳининг тарбияланувчиларида кўзатган эдик. Тадқиқотдан сўнг эътироф этишимиз керакки, тажриба гуруҳининг бу ёшдаги футболчиларнинг тўпларни турли масофага етказиб бериш ҳаракатлари сони ва самарадорлик кўрсаткичларини ошганлигини аниқладик. Айниқса, биз узоқ масофага керак бўлмаган вазиятларда ошириб бериш ҳаракатларини камайтириб қисқа ва ўрта масофаларга ошириб беришларини кўтаришга мувофиқ бўлдик.

Бундан биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва ўқув-машғулотида жалб қилинган тезлик билан, бир тегишда, ҳамда тўпларни ҳаракатда ошириб бериш машқлар тўплами, тажриба гуруҳининг футболчилари фаолиятига таъсир этганлигини аниқладик. Бу натижаларнинг ўзгарганлиги, мусобақа шароитида олинган тўпларни турли масофаларга ошириш техник ҳаракатларида кўриш мумкин.

Олинган натижалардан хулоса қиладиган бўлсак, ёш футболчиларнинг аниқлик даражасини ўйиндан келиб чиққан ҳолда танланган машқларни кўп маротаба тез, битта тегишда, ҳаракатланиш билан, рақиб қаршилигида такрорлаш, ҳамда уларни бажаришлари учун вақтни тақсимлаш орқали ўстириш мумкин бўлар экан.

## REFERENCES

1. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Тренировочные нагрузки хоккеистов в подготовительном периоде. *Фан-спортга*, (4), 33-34.

2. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Физическая работоспособность в годичном цикле подготовительного периода подготовки квалифицированных футболистов. *Фан-спортга*, (3), 10-13.
3. Турсунов, Н. Б. (2017). Деятельность Узбекского государственного института физической культуры в рамках проекта европейского союза ModeNEd Erasmus. *Молодой учёный*, 1, 276.
4. Ражабов, Г. К. (2020). Повышение результативности и надежности соревновательной деятельности квалифицированных боксёров. *Теория и практика физической культуры*, (7).
5. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый*, (21), 974-976.
6. Dzhumakhonovich, A. V. (2020). The factors causing individual style of activity of highly skilled boxers. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(1).
7. Sharipova, S. B., & Qodirov, B. E. (2021). The role of vocabulary in developing the communicative competence of learners. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
8. Насирова, Б. Т., & Халалов, З. А. (2021). Изучение иноязычных слов латинского происхождения на занятиях по русскому языку в высших учебных заведениях. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
9. Suyunovna, M. S. (2020). Interactive teaching methods in the process of foreign language communicative competence development. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
10. Abdurashitovna, A. S. (2020). The influence of motivation in the foreign language learning process. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
11. Aliyeva, S. B., & Achilov, O. Q. (2021). Xorijiy tillarni o'qitishning samarali usullari(nemis va ispan tillari misolida). *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
12. Тураев, А. И., & Ёкубов, И. К. (2021). Эффективные приёмы обучения чтению на уроках английского языка. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
13. Айдаров, Е. Б., & Айдарова, А. Б. (2020). Инновационные методы обучения оптимальному управлению водными ресурсами. “ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ”, 133-135.
14. Айдаров, Е. Б. (2019). Как правильно формировать экологическое воспитание у подростков. *Международной научно-практической конференции «II Юнусовские чтения: Модернизация ценностей Великой Степи как ключевой фактор развития науки и образования»*, 3, 27-29.